



CONSTITUTIONAL GUARANTEES FOR THE PROTECTION OF THE RIGHTS OF PERSONS WITH DISABILITIES

Shukhrat Shabanovich Khikmatov

*Independent researcher of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: persons with disabilities, constitutional rights, human rights, social model of disability, non-discrimination, equality, UN Convention on the Rights of Persons with Disabilities, inclusive education, right to work.

Received: 26.01.26

Accepted: 27.01.26

Published: 28.01.26

Abstract: This article examines the constitutional and legal foundations for the protection of the rights of persons with disabilities in light of international human rights standards. It substantiates that the shift from the medical model of disability to the social model has led to a substantive reinterpretation of the principles of equality and non-discrimination within constitutional law. Particular attention is paid to the impact of the UN Convention on the Rights of Persons with Disabilities on national constitutional systems and its role in strengthening legal guarantees in the fields of education and employment. Based on available empirical data, the article demonstrates that persons with disabilities continue to face systemic barriers in accessing education and the labor market, thereby justifying the need for stronger and more explicit constitutional guarantees to ensure the effective realization of their rights.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Шухрат Шабанович Хикматов

Мустақил изланувчиси

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, конституциявий ҳуқуқлар, инсон

Аннотация: Ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини

хуқуқлари, ижтимоий модель, камситмаслик, тенглик, БМТ Конвенцияси, инклюзив таълим, меҳнат ҳуқуқи.

таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари нуктаи назаридан таҳлил қилинади. Ногиронликка нисбатан тиббий моделдан ижтимоий моделга ўтиш жараёни конституциявий тенглик ва камситмаслик тамойилларининг мазмунан қайта талқин этилишига олиб келгани асослаб берилади. Айниқса, Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг миллий конституциявий тизимларга таъсири ҳамда унинг таълим ва меҳнат соҳаларидаги ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришдаги ўрни очиқ берилади. Мақолада мавжуд эмпирик маълумотлар асосида ногиронлиги бўлган шахслар таълим ва бандлик соҳасида ҳали-хануз тизимли тўсиқларга дуч келаётгани кўрсатилиб, мазкур муаммоларни бартараф этишда конституциявий даражада мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратиш зарурати илмий жиҳатдан асосланади.

КОНСТИТУЦИОННЫЕ ГАРАНТИИ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ

Шухрат Шабанович Хикматов

Самостоятельный соискатель

Правоохранительной академии Республика Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: лица с инвалидностью, конституционные права, права человека, социальная модель инвалидности, недискриминация, равенство, Конвенция ООН о правах инвалидов, инклюзивное образование, право на труд.

Аннотация: В статье анализируются конституционно-правовые основы обеспечения прав лиц с инвалидностью в контексте международных стандартов в области прав человека. Обосновывается, что переход от медицинской модели инвалидности к социальной модели привёл к содержательной трансформации принципов равенства и недискриминации в конституционном праве. Особое внимание уделяется влиянию Конвенции ООН о правах инвалидов на национальные конституционные системы, а также её значению для укрепления правовых гарантий в сферах образования и труда. На основе эмпирических данных показано, что лица с инвалидностью по-прежнему

сталкиваются с системными барьерами в реализации своих основных прав, что подтверждает необходимость их более чёткого и устойчивого закрепления на конституционном уровне.

Ҳозирги глобал демографик ва тиббий тенденциялар шароитида ногиронлиги бўлган шахслар жамиятнинг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқларини таъминлаш масаласи конституциявий-ҳуқуқий таҳлилнинг муҳим объектига айланиб қолган. Ногиронликка нисбатан тиббий моделдан ижтимоий моделга ўтиш инсон ҳуқуқлари концепциясини мазмунан бойитиб, давлатларни формал тенглик доирасидан чиқиб, мазмунан тенгликни таъминлашга қаратилган фаол мажбуриятларни зиммасига юклаб қолган. Айниқса, 2006 йилда қабул қилинган Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси ногиронлик масаласини алоҳида ижтимоий муаммо эмас, балки умумий инсон ҳуқуқлари тизимининг ажралмас қисми сифатида мустаҳкамлаб, миллий ҳуқуқ тизимларига янги конституциявий стандартларни жорий этди. Бироқ, халқаро мажбуриятларнинг мавжудлигига қарамасдан, ногиронлиги бўлган шахслар таълим, меҳнат ва жамоат ҳаётида иштирок этишда ҳали-ҳануз тизимли тўсиқларга дуч келиб қолган. Шу боис, ушбу мақолада ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини конституциявий даражада мустаҳкамлашнинг аҳамияти қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида очиқ берилиб, халқаро стандартлар билан миллий конституциявий кафолатлар ўртасидаги уйғунлик масаласи илмий жиҳатдан асосланади.

Дунё аҳолисининг сезиларли қисми, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Жаҳон банкининг баҳолашига кўра тахминан ўн олти фоизи турли шаклдаги ногиронлик билан яшайди. Бу кўрсаткич келгусида янада ўсиши кутилмоқда, чунки глобал миқёсда инсон умрининг узайиши ҳамда тиббий хизматлар ва даволаш усулларининг такомиллашуви мазкур жараёни рағбатлантирмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу демографик ва тиббий омиллар ногиронлик масаласини конституциявий-ҳуқуқий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш заруратини янада кучайтиради.

Сўнгги бир неча ўн йилликлар мобайнида ногиронлиги бўлган шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш борасида халқаро ва миллий даражада сезиларли илгарилаш кузатилди. Бу жараён, аввало, ногиронликка нисбатан тиббий моделдан ижтимоий моделга ўтиш билан тавсифланади. Тиббий модель ногиронликни шахсга хос нуқсон сифатида баҳолаб, уни даволаш ёки махсус ҳимоя чоралари билан “тўғрилаш”ни асосий мақсад деб билган. Амалда эса бу ёндашув кўп ҳолларда жамият томонидан қўйилган чекловларни мустаҳкамлаб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлиқ

иштирокини чеклаган. Ижтимоий модель эса, аксинча, ногиронликни жисмоний ёки рухий ҳолатнинг ўзи эмас, балки жамиятда мавжуд тузилмавий ва ҳуқуқий тўсиқлар натижаси сифатида талқин қилади. Назаримизда, айнан шу ёндашув конституциявий тенглик ғоясини мазмунан бойитиб, давлатнинг фаол мажбуриятларини илгари суради.

Ушбу концептуал ўзгариш 1980-йиллардан бошлаб жаҳон миқёсида кучайиб, қатор миллий ислохотларга, жумладан, кейинчалик АҚШда қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида”ги қонун (Americans with Disabilities Act – ADA) каби ҳужжатларга замин яратди. Илмий адабиётларда қайд этилишича, мазкур қонун ижтимоий модел ғояларининг конституциявий ва қонунчилик ифодаси сифатида баҳоланади. Биз бу фикрга қўшилган ҳолда, ижтимоий моделнинг конституциявий ҳуқуқлар тизимига кириб келиши ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқ объектдан тўлақонли ҳуқуқ субъектига айлантирганини таъкидлаймиз.

2006 йилда қабул қилинган Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси ушбу жараённинг мантикий давоми сифатида халқаро ҳамжамят томонидан расман эътироф этилди. Конвенция бир неча ўн йиллик давомида давлатлар, академик доиралар, нодавлат ташкилотлар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз ташкилотлари томонидан олиб борилган ҳуқуқий ва сиёсий кураш натижасида шаклланди. Бизнинг фикримизча, мазкур Конвенциянинг аҳамияти шундаки, у ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини алоҳида ижтимоий муаммо эмас, балки умумий инсон ҳуқуқлари тизимининг ажралмас қисми сифатида мустаҳкамлади.

2015 йилга келиб Конвенцияни 151 та давлат ратификация қилгани уни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг тез қабул қилинган халқаро шартномалардан бирига айлантирди. Конвенция давлатларга ногиронлиги бўлган шахслар учун иқтисодий, ижтимоий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни тўлиқ таъминлаш мажбуриятини юклайди. Хусусан, тенглик ва камситмаслик (5-модда), қонун олдида тенглик (12-модда), шахсий эркинлик, ҳаракатланиш эркинлиги, фикр эркинлиги, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилган. Назаримизда, мазкур нормаларнинг конституциявий ҳуқуқлар билан уйғун талқини давлатларни формал тенгликдан мазмунан тенгликка ўтишга мажбур қилмоқда.

Илгари қабул қилинган халқаро шартномалар, хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт инсон ҳуқуқларини универсал тарзда мустаҳкамлаб, уларни барча шахсларга, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам татбиқ этишни назарда тутган. Бироқ мазкур ҳужжатларда ногиронлик алоҳида ҳуқуқий мақом сифатида махсус ва тизимли равишда очиб берилмаган. Шу маънода, Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари

тўғрисидаги БМТ Конвенцияси биринчи марта ногиронлик белгисига нисбатан тенг ҳуқуқларни тўлиқ ва комплекс тарзда қамраб олган мажбурий халқаро шартнома сифатида ажралиб туради.

Ушбу Конвенциягача қабул қилинган БМТ шартномалари орасида фақат Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ногиронлик масаласини очиқ тилга олган ягона ҳужжат ҳисобланади. Ушбу Конвенциянинг 2-моддаси давлатларни ногиронлик белгиси бўйича камситишни тақиқлашга даъват этса, 23-моддаси ногиронлиги бўлган болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини иноватга олган ҳолда махсус ғамхўрлик, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш ва таълим олиш ҳуқуқларини таъминлаш мажбуриятини белгилайди. Шу билан бирга, мазкур моддада “иложи борида” ёки “имкон қадар” каби чекловчи ифодалар мавжуд бўлиб, улар кафолатларнинг мажбурий кучини маълум даражада сусайтириши мумкин. Назаримизда, бу ҳолат Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ҳуқуқий аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, унинг имкониятлари институционал ва иқтисодий омилларга боғлаб қўйилганини кўрсатади.

Шу билан бирга, халқаро конвенцияларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари очиқ эътироф этилиши муҳим дастлабки қадам бўлса-да, ушбу ҳужжатларнинг ҳақиқий таъсири алоҳида давлатларнинг амалий ҳаракатларига боғлиқ. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси мақсадларига эришиш учун давлатлар унинг тамойилларини миллий қонунчилик ва конституциявий тизимга чуқур сингдириши лозим. Бироқ, мавжуд илмий маълумотларга кўра, ҳозирги кунга қадар жаҳон миқёсида давлатлар ўз қонунлари ёки конституцияларида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини қай даражада кафолатлаётганини тизимли равишда баҳолайдиган комплекс тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Конституциялар давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати сифатида тенглик, қонун олдида тенглик ва камситмаслик каби инсон ҳуқуқлари тамойилларини институционал даражада мустаҳкамлаш учун энг самарали восита ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, тарихан маргиналлашган гуруҳлар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини айнан конституциявий даражада эътироф этиш уларнинг ҳуқуқий мақомини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Бундан ташқари, қонунчиликка нисбатан конституцияларни ўзгартириш анча мураккаб бўлгани сабабли, конституциявий ҳуқуқлар янада барқарор ва узоқ муддатли кафолатлар яратади. Шу боис, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг конституциявий мустаҳкамланиши формал декларация эмас, балки амалда ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг кучли механизми сифатида намоён бўлади.

Жаҳон амалиётидан тўпланган далиллар шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахслар ҳали-ҳануз ўзларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш йўлида турли хил тўсиқларга дуч келмоқда. Албатта, бундай тўсиқлар шаклланишида ижтимоий ва маданий омиллар муайян роль ўйнайди, бироқ бизнинг фикримизча, тенгсизликнинг энг барқарор ва тизимли манбаи айнан ҳуқуқий кафолатларнинг етарли эмаслиги ҳисобланади. Айнан шу тушунча тарихан камситилган гуруҳлар ҳуқуқларини алоҳида халқаро шартномалар орқали мустаҳкамлаш заруратини асослаб берди. Натижада ирқий камситишга қарши конвенция, хотин-қизларга нисбатан камситишни бартараф этиш тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро конвенция қабул қилинди.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари соҳасида энг оғриқли муаммолардан бири, бу таълим олиш имкониятларининг мутаносиб эмаслиги ҳисобланади. Дунёнинг турли мамлакатларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим тизимидан фойдалана олиш даражаси паст бўлиб, бу ҳолат мактаб таълимидан четда қолиш ҳамда катта ёшда саводхонлик даражасининг пастлигига олиб келмоқда. ЮНЕСКО ва БМТ материалларида таъкидланишича, инклюзив таълимни таъминлашдаги камчиликлар ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий интеграциясига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 51 та давлатда ўтказилган соғлиқни сақлаш бўйича глобал сўров натижалари мазкур муаммони рақамлар орқали яққол тасдиқлайди. Ушбу тадқиқотга кўра, ногиронлиги бўлган шахслар орасида бошланғич таълимни тугатиш кўрсаткичлари ногиронлиги бўлмаган шахсларга нисбатан анча паст бўлган: ногиронлиги бўлган эркекларнинг 50,6 фоизи ва аёлларнинг 41,7 фоизи бошланғич таълимни якунлаган бўлса, ногиронлиги бўлмаган эркеклар орасида бу кўрсаткич 61,3 фоизни, аёллар орасида эса 52,9 фоизни ташкил этган. Шунингдек, ўртача таълим йиллари ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун сезиларли даражада кам бўлгани қайд этилган.

Алоҳида мамлакатлар мисолида олиб борилган тадқиқотлар эса таълим тизимидаги номутаносиблик янада чуқур эканини кўрсатади. Масалан, ривожланаётган 13 та давлатда ўтказилган уй хўжаликлари сўровларига асосланган таҳлил натижалари 6–11 ёшдаги ногиронлиги бўлган болалар ва ногиронлиги бўлмаган болалар ўртасида мактабга қатнаш кўрсаткичлари кескин фарқ қилишини аниқлаган. Бу фарқ Ҳиндистонда тахминан 10 фоизни ташкил этган бўлса, Индонезияда 59 фоизга етган. Бизнинг фикримизча, бундай тафовутлар иқтисодий омиллардан ташқари, давлатларнинг ҳуқуқий ва институционал тайёргарлиги билан ҳам бевосита боғлиқ.

Бундан ташқари, қатор минтақавий тадқиқотлар ногиронлиги бўлган болаларни нафақат таълимга жалб этиш, балки уларни умумий таълим тизимига интеграция қилиш борасида ҳам жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Айниқса, руҳий ва психосоциал ногиронлиги бўлган болалар таълим муассасаларида сегрегацияга дуч келаётгани қайд этилган. Назаримизда, бу ҳолат таълим соҳасидан формал тарзда фойдалана олиш имкониятининг ўзи етарли эмаслигини, балки сифатли ва инклюзив таълим муҳитини яратиш ҳам давлатларнинг конституциявий ва ҳуқуқий мажбурияти эканини англатади.

Шу тариқа, келтирилган таҳлиллар ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашда ҳуқуқий кафолатларнинг заифлиги амалдаги тенгсизликни янада чуқурлаштираётганини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, айниқса таълим соҳасидаги ушбу муаммолар ногиронлиги бўлган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш заруратини янада кучайтиради ва Конвенция нормаларини миллий ҳуқуқ тизимларига тўлиқ жорий этиш масаласини марказий ўринга олиб чиқади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат соҳасида ҳам тизимли маргиналлашувга дуч келмоқда. Бу ҳолат ишга қабул қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва тенг касбий имкониятлардан фойдаланиш каби йўналишларда яққол намоён бўлади. Гарчи алоҳида мамлакатлар кесимида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлик даражасига оид тизимли маълумотлар чекланган бўлса-да, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг World Report on Disability ҳисоботи турли минтақалардан олинган 18 та мамлакат мисолида ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида иш билан таъминланиш даражаси ногиронлиги бўлмаган аҳолига нисбатан барқарор равишда паст эканини тасдиқлайди.

Хусусан, ушбу ҳисоботга кўра, Жанубий Африкада ногиронлиги бўлган шахслар орасида бандлик даражаси атиги 12,4 фоизни ташкил этган бўлиб, умумий аҳоли ўртасида бу кўрсаткич 41,1 фоизга тенг бўлган. АҚШда эса ногиронлиги бўлган шахслар учун иш билан таъминланиш даражаси 38,1 фоизни, умумий аҳоли орасида эса 73,2 фоизни ташкил этган; Швейцарияда бу нисбат мос равишда 62,2 фоиз ва 76,6 фоиз бўлган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 51 та давлатни қамраб олган World Health Survey маълумотлари ҳам ушбу тенденцияни қўллаб-қувватлайди: ногиронлиги бўлган эркаклар орасида бандлик даражаси 52,8 фоизни ташкил этган бўлса, ногиронлиги бўлмаган эркаклар орасида 64,8 фоиз бўлган; аёллар орасида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 19,6 фоиз ва 29,9 фоизни ташкил этган.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган тенгсизликлар билан узвий боғлиқ ҳолда, кўплаб ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий яқкаланиш ва

психологик қийинчиликларга дуч келмоқда. Мавжуд эмпирик маълумотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг асосий инсон ҳуқуқларидан четда қолишига ишора қилувчи кенг қамровли тадқиқотлар корпусининг фақат бир қисминигина акс эттиради. Бизнинг фикримизча, ушбу далиллар ногиронлиги бўлган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ва уларни амалда таъминлаш механизмларини қучайтириш заруратини янада асослаб беради.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг кенг миқёсда қабул қилиниши мазкур гуруҳ учун муҳим ҳуқуқий ютуқ ҳисобланса-да, амалиётда сақланиб қолаётган тўсиқлар ушбу ҳуқуқларни реал ҳаётга татбиқ этиш учун миллий даражада аниқ ҳуқуқий чоралар ва самарали ижро механизмлари зарурлигини янада яққол кўрсатади. Бизнинг фикримизча, халқаро стандартларни эътироф этишнинг ўзи етарли эмас, зеро, ҳуқуқлар назариядан амалиётга ўтиши учун улар давлатларнинг ички ҳуқуқ тизимига чуқур сингдирилиши лозим. Шу нуқтаи назардан, мамлакатлар конституциялари ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш учун энг муҳим ҳуқуқий майдон ҳисобланади.

Конституциялар давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати сифатида фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини белгилабгина қолмасдан, қонунлар ва давлат сиёсатини шакллантиришнинг тамойиллари ҳамда меъёрий асосларини ҳам белгилайди. Улар, одатда, оддий қонунлар ёки маъмурий нормаларга нисбатан ўзгартириш киритиш қийин бўлган ҳужжатлар бўлиб, шу сабабли камситувчи қонунчиликни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади. Назаримизда, айнан шу жиҳат конституциявий нормаларни фуқаролик ҳуқуқлари бўйича суд ишларида муҳим воситага айлантиради ва тенг ҳуқуқлилиқни суд орқали илгари суриш имконини беради.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ тобора кўпроқ миллий конституциявий ривожланишга таъсир кўрсатаётгани конституцияларни давлатларнинг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини ички ҳуқуқ тизими билан уйғунлаштиришдаги салоҳиятини янада оширади. Шу муносабат билан, Жанет Лорд ва Майкл Эшли Стейн конституциявий ислохот жараёнларида Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция каби инсон ҳуқуқларига доир халқаро шартномаларининг қоидаларини жорий этиш ногиронлиги бўлган шахслар жамоаси учун алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлайдилар. Уларнинг таъкидлашича, бундай жараёнлар нафақат ҳуқуқий пойдевор яратиш, балки ногиронлик масаласининг жамоатчиликда кўринишини ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш доирасини кенгайтириш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Бизнинг фикримизча, мазкур ёндашув конституцияни фақат юридик ҳужжат эмас, балки ижтимоий ўзгаришларни рағбатлантирувчи восита сифатида баҳолаш имконини беради.

Илмий адабиётларда конституциявий нормаларнинг ўзи мустақил равишда туб ижтимоий ўзгаришларни таъминлай олмаслиги ҳақида муайян келишув мавжуд. Шу билан бирга, кўплаб муаллифлар етарли даражада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор давлатлар томонидан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини илгари суриш ва амалга ошириш учун зарур бошланғич нукта эканини алоҳида таъкидлайдилар.

Бундан ташқари, бир қатор олимлар таъкидлаганидек, ҳам миллий қонунлар, ҳам халқаро шартномалар “ифодавий” функцияга эга бўлиб, улар давлат номидан муайян қадриятларни илгари суради. Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномани ратификация қилиш орқали давлат унинг тамойилларини қўллаб-қувватлашини омма олдида намоён этади, шунингдек ушбу тамойилларни ички ҳуқуқ тизимига жорий этиш эса мазкур нормаларга ички ҳуқуқий розиликни англатади. Шу маънода, конституциялар нафақат моддий-ҳуқуқий таъсир кўрсатиши, балки жамиятдаги ижтимоий меъёрлар, муносабатлар ва амалиётларни шакллантириши ёки мустаҳкамлаши мумкин. Бизнинг фикримизча, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг конституциявий даражада эътироф этилиши айнан шу “ифодавий” таъсир орқали жамиятда тенглик ғоясини институционал қадриятга айлантиради.

Айрим давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахслар учун конституциявий даражада киритилган ислохотлар кейинчалик қонунчилик ва давлат сиёсатини чуқур ўзгартиришга хизмат қилган. Масалан, Бразилияда ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий таъминот кафолатларини мустаҳкамлаган конституциявий ўзгартишлар аввал қабул қилиниб, кейинчалик ушбу йўналишдаги қонунлар ва сиёсат чораларини кучайтириш учун ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтаган. Бизнинг фикримизча, ушбу конституциявий нормалар нафақат моддий ёрдам тизимини мустаҳкамлаган, балки фуқаролик жамиятини фаоллаштириб, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари атрофида сиёсий ҳаракатни рағбатлантирган.

Шунга ўхшаш ҳолат Германия ва Япония тажрибасида ҳам кузатилган. Ушбу мамлакатларда конституцияга киритилган ўзгартишлар меҳнат ва ижтимоий фаровонлик соҳаларида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган қонунчилик ислохотларининг асоси бўлиб хизмат қилган. Назаримизда, бу мисоллар конституциявий кафолатлар соҳавий қонунчиликни шакллантиришда йўналтирувчи вазифани бажаришини яққол кўрсатади. Қолаверса, бу жараёнлар конституцияларнинг фақат миллий эмас, балки трансмиллий ҳуқуқий таъсирга эга эканини ҳам намоён қилади.

Алоҳида мисол сифатида Латвия тажрибаси диққатга сазовор. 2013 йилда Латвия парламенти фуқаролик кодекси қоидаларини конституцияга зид деб топилгандан сўнг қайта кўриб чиқиб, шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатини тўлиқ чеклаш тизимидан қўллаб-қувватланадиган ёки қисман алмаштирилган қарор қабул қилиш моделларига ўтди.

Назаримизда, ушбу ислохот инсон кадри, ҳуқуқий ва муомала лаёқатини ҳурмат қилишга асосланган замонавий конституциявий ёндашувнинг амалий намунасидир.

Замбия мисоли эса ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларининг конституциявий жараёнлардаги иштирокини кучайтиришнинг истиқболли йўлини кўрсатади. Ушбу мамлакатда ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари қонунчилик ва сиёсатни ислоҳ қилиш жараёнига фаол жалб этилган. Конституцияни қайта кўриб чиқиш давомида улар Конвенцияга мувофиқ таклифлар, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни қонун олдида тенг эътироф этиш, ҳуқуқий лаёқат ва қарор қабул қилишга оид нормаларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритган. Бизнинг фикримизча, бу ёндашув асосий қонунларни шакллантиришда манфаатдор гуруҳларнинг ваколатини кенгайтириш орқали ҳуқуқий легитимликни мустаҳкамлайди.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашдаги мавжуд тенгсизликлар, аввало, ҳуқуқий кафолатларнинг етарли даражада институционаллашмагани билан боғлиқ бўлиб, айниқса таълим ва меҳнат соҳаларида яққол намоён бўлмоқда. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ Конвенцияси халқаро микёсда мустаҳкам меъёрий асос яратган бўлса-да, унинг самараси миллий конституциявий тизимларда қай даражада акс эттирилишига бевосита боғлиқ. Конституциявий даражада тенглик ва камситмаслик принципларини ногиронлик белгиси бўйича аниқ ва мазмунан белгилаш тарихан маргиналлашган ушбу гуруҳнинг ҳуқуқий мақомини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Шу маънода, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, халқаро стандартларни миллий конституцияларга интеграция қилиш ҳамда формал кафолатлардан самарали амалий механизмларга ўтиш замонавий конституциявий ҳуқуқ фанининг устувор вазифаларидан бири сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. World report on disability. Электрон манбаа: <https://www.who.int/publications/i/item/world-report-on-disability> (Мурожаат санаси: 13.01.2026)
2. Disability. Электрон манбаа: <https://www.who.int/health-topics/disability> (Мурожаат санаси: 13.01.2026)
3. Stein, Michael Ashley. "Disability human rights." Nussbaum and law. Routledge, 2017. 3-49.

4. Lord, Janet E., David Suozzi, and Allyn L. Taylor. "Lessons from the experience of UN Convention on the rights of persons with disabilities: addressing the democratic deficit in global health governance." *Journal of Law, Medicine & Ethics* 38.3 (2010): 564-579.
5. Lord, Janet E. "The UN disability convention: Creating opportunities for participation." *Bus. L. Today* 19 (2009): 23.
6. Esther van Weele, *The UN Convention on the Rights of Persons with Disabilities in the Context of Human Rights Law*, in *Disability and universal human rights: legal, ethical, and conceptual implications of the Convention on the rights of persons with disabilities* 11, 9–30, Joel Anderson & Jos Philips eds., 2011.
7. Convention on the Rights of the Child, G. A. Res. 44/25, Treaty Series, vol. 1577, at 3 (Nov. 20, 1989); "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция. Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/2595913> (Мурожаат санаси: 13.01.2026)
8. Boezaart, Trynie. "The Children's Act: A Valuable Tool in Realising the Rights of Children with Disabilities." *THRHR* 74 (2011): 264.
9. World Health Organization and World Bank, *World Report on Disability*, WHO, Geneva, 2011, p. 206–208.
10. Filmer, Deon. "Disability, poverty, and schooling in developing countries: results from 14 household surveys." *The World Bank Economic Review* 22.1 (2008): 141-163.
11. Drew, Natalie, et al. "Human rights violations of people with mental and psychosocial disabilities: an unresolved global crisis." *The Lancet* 378.9803 (2011): 1664-1675.
12. Raub, Amy. "Constitutional rights of persons with disabilities: An analysis of 193 national constitutions." *Harv. Hum. Rts. J.* 29 (2016): 203.
13. World Health Org. & World Bank, *World report on disability*. Электрон манбаа: http://whqlibdoc.who.int/publications/2011/9789240685215_eng.pdf?ua=1. (Мурожаат санаси: 12.01.2026)
14. Heymann, Jody, Alison Earle, and Kristen McNeill. "The impact of labor policies on the health of young children in the context of economic globalization." *Annual Review of Public Health* 34.1 (2013): 355-372.
15. Lord, Janet E., and Michael Ashely Stein. "The domestic incorporation of human rights law and the United Nations Convention on the Rights of Persons with Disabilities." *Wash. L. Rev.* 83 (2008): 449.
16. Adler, Matthew D. "Expressive theories of law: A skeptical overview." *U. Pa. L. Rev.* 148 (1999): 1363.
17. Kirakosyan, Lyusyena. "Disability policies and politics: A new perspective for Brazilian disability citizenship?." *Critical Disability Discourses* (2012).

18. Heyer, Katharina. "Rights or quotas? The ADA as a model for disability rights." Handbook of employment discrimination research: Rights and realities. New York, NY: Springer New York, 2005. 237-257.
19. European Union. Agency for Fundamental Rights. Legal capacity of persons with intellectual disabilities and persons with mental health problems. Publications Office of the European Union, 2013.
20. Birtha, Magdolna. "Nothing about CRPD monitoring without us: a case study on the involvement of the disability movement in policy-making in Zambia." Afr. Disability Rts. YB 1 (2013): 115.